O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. № 290901

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 8 SENTABR ◆ SHANBA ◆ № 110 (26.812)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 сентябрь куни Оқсаройда Россия Федерациясининг пойтахти — Москва шаҳри мэри Юрий Лужковни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Россиянинг тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигида ушбу мамлакатнинг йирик сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий маркази бўлмиш Москва шаҳри катта ўрин тутишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, айни пайтда Ўзбекистондаги кўплаб корхоналар ва ташкилотлар Москва шаҳри билан халқ хўжалигининг турли соҳаларида муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Россия пойтахтида «ЎзДЭУ-авто» қўшма корхонасининг «ЎзАВТО» ҳамда «ЎзДЭУ марказ» деб номланувчи ваколатхоналари ишлаб турибди. 2000 йилнинг ўзида ушбу ваколатхоналар орқали Асакадаги заводда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллардан 5144 дона сотилди. Бундан ташқари, юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги ва енгил саноат маҳсулотлари Москвада анча харидоргир ҳисобланади.

Ўз навбатида, Москва шаҳри корхоналари мамлакатимизга замонавий асбоб-ускуналар ҳамда ёғоч маҳсулотлари етказиб бермоқда.

Президент Ислом Каримов бундай кенг кўламли ҳамкорликка юқори баҳо берар экан, ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплиги, Ю.Лужковнинг юртимизга ташрифи боис ушбу масалани муҳокама этиш учун қулай фурсат яратилганини таъкидлади.

Меҳмон самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ўзбекистонлик ва москвалик ишбилармонлар ўртасидаги ҳамкорлик нафақат Москва шаҳри, балки бутун Россия учун муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Учрашувда ўзаро иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорлик истиқболлари билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама этилди.

■ (ЎзА)

Суратда: қабул пайти.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий қутловларимни изҳор этиш менга алоҳида мамнуният бахш этади. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, айни вақтда шахсан Сизга омонлик, Ўзбекистон Республикаси халқига эса саодатли истиқбол тилаб билдирган энг эзгу истакларимни йўллайман.

Томас КЛЕСТИЛ,
Австрия Республикаси Федерал Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришганининг 10 йиллик юбилейи — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни муборакбод этиш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Биз ўзбек халқи ва унинг раҳнамоларининг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлат барпо этиш ва мамлакат иқтисодиётини янгича асосда ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини катта қизиқиш, кучли эътибор ва хайрихоҳлик билан кузатиб бормоқдамиз. Сизни ишонтириб айта оламанки, Венгрия Республикаси икки дўст халқ ўртасидаги кўп томонлама алоқаларни чуқурлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини бундан буён ҳам давом эттираверади. Шунга мувофиқ, Сизнинг Венгрияга эҳтимол тутилган ташрифингизни орзиқиб кутаман. Бу ташриф ҳамкорлигимизни кенгайтиришга янги омил бағишлаши мумкин.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Сизга сиҳат-саломатлик, шод-хуррамлик, Ватанингизга эса тинчлик, хавфсизлик ва равнақ тилайман.

Сизга бўлган самимий эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Ференц МАДЛ,
Венгрия Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ярославлликлар Ўзбекистонда Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатиб бормоқда.

Биз учун мамлакатингизнинг минтақалари билан ўрнатилган алоқалар қадрлидир.

Сизга ва Сиз орқали Ўзбекистон халқига чин дилдан тинчлик, эзгулик ва равнақ тилайман.

Анатолий ЛИСИЦИН,
Ярославл вилояти губернатори,
Россия Федерацияси Давлат Кенгаши Раёсати аъзоси

ОСИЁ БАНКЛАРИ УЮШМАСИ 18-БОШ ЙИҒИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Бош йиғилишнинг муҳтарам қатнашчилари!

Осиё қитъасидаги банкларнинг ғоят нуфузли анжумани иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси пойтахти — Тошкент шаҳрида қутлаётганимдан шодман.

Осиё Банклари уюшмасининг Бош йиғилиши давлатимиз учун шонли бир пайтда — Мустақилликнинг ўн йиллиги нишонланаётган вақтда ўтаётганлиги Ўзбекистон истиқлол йиллари мобайнида жамият ҳаётининг барча соҳаларида ва аввало иқтисодий соҳада жамиятни янгилаш ҳамда иқтисодий ислоҳ қилишнинг ўз моделини рўёбга чиқариш асосида эришган яққол тараққиётни халқаро ҳамжамият кенг кўламда эътироф этганлигидан яна бир бор далолат беради.

Таркибий ўзгартиришлар ва миллий иқтисодиётнинг янги қиёфасини шакллантиришнинг асосий омили сифатида ривожланган ва барқарор банк тизимини вужудга келтириш Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг энг асосий йўналишларидан биридир.

Ўтган ўн йил мобайнида Ўзбекистонда халқаро андозаларга мос келадиган барқарор, икки босқичли банк тизими шакланди. Тижорат банкларининг кенг тармоғи барқарор ишлаб турибди, уларнинг кўпчилиги жаҳондаги етакчи банклар билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Ўзбекистонда бир қанча халқаро ва хорижий банкларнинг, чунончи Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Сосьете Женераль, Чейз Манхэттен банк, Кредит Свисс, Мейбанк, Дойче банк, Берлинер банк, Сумитомо-Мицуи банк ҳамда бошқа банкларнинг ваколатхоналари очилган ва улар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шуни мамнуният билан қайд этиб ўтмоқчиманки, Осиё Банклари уюшмасидан меҳмонларни қабул қилиб олаётган, Мустақиллигимизнинг тенгдоши бўлган Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки халқаро молия бозорларида Ўзбекистон манфаатларини ишончли ва дадил ифода этиб келмоқда.

Ўзбекистон банкларининг Осиё Банклари уюшмаси билан ҳамкорлиги «Буюк ипак йўли» замонларидан боғланган бизнинг қадимий чуқур алоқаларимиз қайта тикланганлиги рамзи бўлиб, Осиё қитъасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, инвестициялар ва замонавий ғояларни ҳаракатга келтириш ишига хизмат қилажагига ишончим комил.

Бош йиғилишнинг қатнашчиларига самарали ишлашларини ҳамда янги юз йилликда халқаро банк ҳамкорлигини чуқурлаштириш ишида муваффақиятлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БЕКОБОД ЦЕМЕНТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИГА

Аввало, барчангизни, мамлакатимиз саноатининг етакчи корхоналаридан бири бўлган Бекобод цемент ишлаб чиқариш бирлашмасининг етмиш беш йиллик тўйи билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мана шундай унутилмас кунда ўз тарихи, қутлуғ анъаналари ва катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган бу корхона Ватанимиз халқ хўжалигининг равнақида ҳамиша муносиб ўрин тутиб келганини барчамиз мамнуният билан эътироф этамиз.

Айниқса, мамлакатимиз ҳудудида қад кўтараётган саноат корхоналари, турар жойлар, маданий-маиший иншоотларнинг қурилишида сиз меҳнат қилаётган бирлашманинг улкан улуши борлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда шаҳарларимизда, қишлоқларимизда қурилаётган иншоотларнинг замонавий, пишиқ ва кўркам бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан қурилиш ашёлари саноатини ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилгани бунинг яққол далилидир.

Бирлашманинг кўп миллатли жамоаси, унинг заҳматкаш ва фидойи ишчи-хизматчилари эзгу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилиб, ибрат бўлгулик натижаларга эришаётгани ҳаммамиз учун қувончлидир.

Ишончим комилки, бозор муносабатлари шароитида, эркин рақобат муҳитида, янги технологиялар асрида сизларнинг куч-ғайратингиз, билим ва тажрибангиз туфайли «Бекободцемент» янада қудратли, замонавий корхонага айланади.

Мана шундай олижаноб мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файз-барака, ишларингизга муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЎРОҚДА ЙЎҚ, МАШОҚДА ЙЎҚ...»

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тегишли бошқармалари томонидан газетанинг шу йил 3 июль сонида эълон қилинган «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ...» номли мақола атрофлича ўрганиб чиқилди.

Мақола тегишли бошқармалар мутахассислари ўртасида муҳокама қилинди ҳамда унда кўтарилган масала пахта йиғим-терими бошланиши олдидан долзарб эканлиги таъкидланди. Шунингдек, ҳақиқатан ҳам деҳқонга, пудратчига кўплаб вакил назоратчилар бириктириб қўйилиши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланди.

Муҳокамадан сўнг унда кўтарилган масала юзасидан чора-тадбирлар белгиланди ҳамда пахта йиғим-терими бошланиши олдидан хўжаликларга вакил-назоратчилар тайинлашни камайтириш чора-тадбирларини кўриш ҳақида жойлардаги раҳбарларга кўрсатмалар берилди.

■ **Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С. БЕГАЛИЕВ**

ИМКОНИ БОР ЭКАН-КУ?!

Одатда хабар сўроқлардан ҳоли бўлади. Гап шундаки, китобликлар бу саволни ҳам, унинг жавобини ҳам ўзиқиб кутишган. «Қачон телефон алоқаси яхшиланади?». Очиғи, туман маркази Китоб шаҳридаги айрим телефонлар бир нави. Бироқ 80 фоиз аҳоли қишлоқда яшайди. Шундоқ қўшни Шаҳрисабз туманида эса бу тармоққа замонавий технология жорий этилди.

Афсуски, туманнинг собиқ раҳбарлари, шунингдек, алоқа тизими мутасаддилари эскирган техника воситаларини янгилашга эътибор беришмади. Ваҳоланки, 1998 йилда Ўзбекистон—Индонезия қўшма корхонаси орқали Германиянинг «Алкатель» фирмасидан 664 минг дойч маркага тенг, бир йўла 3500 абонентга хизмат кўрсатадиган энг замонавий ускуналар келтирилган эди. Бугун ана шу ускуналарни ўрнатиш бошланиб кетди. Хорижий қурилмалар телефон алоқа хизматини янги даражага кўтариши шубҳасиз. Излаган имкон топади, деганлари шу!

■ **Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТАЛАБА ЁШЛАР ЗАФАРИ

ёки жаҳон универсиадасида мамлакатимиз байроғи кўтарилгани хусусида

«Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби дунёга тезда машҳур қила олмайди». Юртбошимизнинг жисмоний тарбия ва спорт соғлом авлодни тарбиялаш ҳамда Ватан доврўғини дунёга ёйиш омили экани ҳақидаги бу мулоҳазалари тобора ўз исботини топиб бормоқда.

Спортчиларимиз жаҳон майдонларида ажойиб ғалабаларни қўлга киритиб, мадҳиямиз таралиши чоғида ўзига хос шуурни қалбларига туймоқдалар. Умуман, тараққиёт йўлида собит турган юртимизда жисмоний тарбия ва таълим олишнинг узлуксиз тизими яратилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурига асосланган оммавий спорт тизими рўёбга чиқарилмоқда. Бу тизимда аввало ўқувчилар ўртасида ўтказилувчи «Умид ниҳоллари» ўйинлари ҳамда иккинчи бўғин ҳисобланган «Баркамол авлод» мусобақалари ва ниҳоят учинчи бўғин саналувчи «Универсиада» баҳсларини ўтказиш кўзда тутилган. Мақсад шахснинг жисмоний ва маънавий мукаммаллигини таъминлаш.

Соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган бундай саъй-ҳаракатнинг мевалари бугунданоқ кўзга ташланмоқда. Хусусан, талаба ёшларнинг бултур Наманганда ўтказилган «Универсиада — 2000» мусобақаларида ўғил-қизларимиз спортнинг бир қанча турларига ошуфта бўлибгина қолмай, маҳоратлари ҳам ошиб бораётгани кўзга ташланганди. Биз буни Сидней олимпиадасида мухлислару мутахассисларни лол қолдирган Андижон давлат университети талабаси Муҳаммадқодир Абдуллаевнинг мовий-яшил байроғимизни рингда гир айлантириб ҳилпиратган чоғида ҳис этдик. Олимпиада совриндорлари Сергей Михайлов, Рустам Саидовлар ҳам талабалардир.

Талаба ёшларимиз энг улуғ, энг азиз байрам — мустақилликнинг ўн йиллигига ҳам ўзларининг муносиб совғаларини тайёрладилар. Чунончи, август ойининг охирида Пекинда бўлиб ўтган талаба ёшларнинг навбатдаги Жаҳон универсиадасида ажиб муваффақиятга эришилди. Бу мусобақада ҳам талабалар катта спортнинг устувор ўринбосарлари эканини амалда намойиш этишди. Жаҳоннинг 169 давлатидан келган талабалар иштирокидаги мусобақада маҳорат кўрсатишнинг ўзи бўлмас. Баҳслар спортнинг 13 тури бўйича уюштирилди.

Ватанпарварлик руҳида камол топаётган талабаларимиз бу нуфузли анжуманда астойдил маҳорат кўрсатиб, юртимизни миллионлар кўз ўнгида улуғлашга интилдилар. Айниқса, дзюдочиларимиз зафари таҳсинга лойиқ. Етти нафар дзюдочидан таркиб топган терма жамоамиз аъзолари юксак марра сари саъй-ҳаракат қила билдилар. Жумладан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 3-курс талабаси, халқаро спорт устаси Эгамназар Акбаровнинг маҳорати олқишларга бурканди. 73 килограмм вазнли бу полвон барча рақибларини доғда қолдириб, ғолиблик супасининг юқори поғонасини эгаллади. Унинг кўксига олтин нишон осилаётган чоғда ғолиб шарафига байроғимиз кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси таралди. Шунингдек, мазкур олий ўқув юртининг 2-курс талабаси, халқаро спорт устаси Абдулла Тангриев вазни 100 килограммлилар қатори майдонга тушиб бронза, мутлақ вазнда эса кумуш медаль соҳиби бўлди. Умуман, мусобақада иқтисодиёт университетининг талабалари баҳсларга пухта ҳозирлик кўришгани маълум бўлди. 2-курс талабаси, халқаро спорт устаси Мурод Каликулов ҳам 66 килограммлик вазнда кумуш медаль билан қайтди. Самарқанд давлат университети юқори курс талабаси Михаил Соколов эса 100 килограмм вазнлилар сафида бронза медаль билан қаноатланди. Халқаро универсиада якунига кўра, республикамиз дзюдочилари жамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллашди. Дзюдочиларни мусобақага ҳозирлашда устозлардан Александр Истомин билан Сервер Муродасиловларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Спортнинг қолган турлари бўйича баҳсларда ҳам вакилларимиз муносиб иштирок этишди. Шунинг учун ҳам 169 мамлакат, 67 жамоа орасида Ўзбекистон вакиллари 21-чи бўлишди.

Зафар билан қайтган талабаларни кутиб олиш маросими ҳам ўзига хос байрамга айланди. Ғолибларни мухлислар, спортчиларнинг ёру биродарлари ва устозлар қаршилашди. Хусусан, Республика олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов талабаларни эришилган муваффақият билан чин дилдан табриклади.

— Орзуим ушалганидан бахтиёрман, — дейди Олтин медаль соҳиби Эгамназар Акбаров. — Олтин медаль билан қайтиш ҳақидаги ваъдамга вафо қилдим. Муҳими, ўзимнинг бу зафаримни мустақилликнинг ўн йиллигига бағишлаганимдан мамнунман.

■ **Мирзо АНВАР**

ЧЕҲРАНГИЗ ҚАНИ, ГУЛЧЕҲРА?

Шоира Гулчеҳра Нуруллаевага очиқ хат

Ёшим олтмишга бориб қолди. Лекин гўзалликка, хусусан, шеъриятга бўлган меҳр-муҳаббатим, ҳавас-иштиёқим асло сўнгани йўқ. Ўзим мансуб авлод шоирларининг илк шеърларини энтикиб ёд олганим, илк китобларини ёстиғим остига қўйиб ётганим кечагидек эсимда. Мен севган, қадрлайдиган ижодкорлар орасида Сиз ҳам бор эдингиз. Афсус-надоматлар бўлсинки, мен бу гапларни ўтган замон феълида айтишга мажбурман. Чунки сиздан ҳафсалам пир бўлди. Қарибсиз, Гулчеҳра! Қариганда ҳам жуда ёмон қарибсиз!

Келинг, ҳамма гапни бир бошдан айтай. Менинг эрмакларимдан бири радио тинглаш. Яна нима қилай, бола-чақамнинг роҳатини кўриб юрганимдан кейин, ҳамма юмушларни уларга топшириб қўйиб, радио эшитаман-да, газета ўқийман-да. Ҳарқалай, фиску фасод билан кун кечиргандан кўра, дунё ишларидан воқиф бўлиш афзал эмасми. Нима дедингиз, Гулчеҳра?!

Хуллас, сўнгги ойларда хорижий радиостанцияларни, жумладан, «Озодлик»ни тинглаб, бир куламан, бир жаҳлим чиқади. Кейин гапирса гапирибди-да, деб қўл силтайман. Лекин шу тўлқинларда шоира, ҳа, ўша ўзимизнинг шоирамиз Гулчеҳра Нуруллаеванинг ҳам овозини эшитиб ғалати бўлиб кетдим. Йўқ, сизнинг «Озодлик» радиосига чиққанингиздан эмас, балки ўз юртингиз, халқингизга мағзава ағдараётганингиздан ғалати бўлиб кетдим, Гулчеҳра!

Сизнинг «Озодлик» радиостанцияси орқали «Ҳаётий лавҳалар» номи билан эълон қилаётган чиқишларингиз ниманинг намойиши эканлигини билолмай гарангман: нонкўрликми, мунофиқликми ёки худбинликми бу? Балки бу сизнинг асл чеҳрангиз намойишидир, Гулчеҳра?!

Йил аввалидаги бир чиқишингизда Ўзбекистон милиционерларининг бутун «кирдикор»ларини очиб ташлашдек «улкан» юкни зиммангизга олибсиз. Тасанно! Яна бир куни маъвизангизда Ўзбекистондаги турмуш нобопликлари ҳақида айюҳаннос солдингиз. Офарин! Кейин кетма-кет Ўзбекистонда сўз эркинлиги ҳақида вайсадингиз. Балли, Гулчеҳра!

Лекин ана шу «тасанно», «офарин» ва «балли» деган қўштирноқ ичидаги мақтовлар сизни сиз қилган Ўзбекистон халқи томонидан эмас, шундай фиску фасод фикрларни билдириб турганингиз учун сизга яхши ҳақ тўлаётган «буюртмачилар» тарафидан айтилаётгани аниқ.

Сизни илгари билмаганимда мен бу гапларни ёзмасдим. Бир вақтлар элга таниқли киши эдингиз, яхши мансабларни эгаллаган эдингиз. Хизмат автомобилидан беармон фойдаланар эдингиз, ҳашаматли ҳаёт кечирардингиз. Қайси хизмат эвазига? Биргина шоирлик туфайли эмасдир? Ўша пайтларда ҳам сизга одамларнинг меҳридан кўра мансаб афзалроқ эди. Шу мақсад йўлида одамларни бир-бири билан уриштириб қўйиш, туҳмат қилиш, айюҳаннос солиб ўз «ҳақингиз»ни талаб қилишдан тоймасдингиз. Ҳозир ҳам худди ўша «касбингиз»га қайтибсиз-да, Гулчеҳра? Ҳозир сиз бир қарашда Ўзбекистон халқининг манфаатларини ҳимоя қилмоқдасиз. Лекин халқини ўйлаган одам шу халққа қайишади-ку.

Муаммолар манаман деган давлатда ҳам топилади. Биз шундай муаммолар, аксари бир вақтлар сиз қуйлаган совет давридан қолган муаммоларни бартараф этиш йўлидан энди-энди дадил қадам ташлаяпмиз-ку. Сиз бу муаммоларнинг йўқолишини шу қадар хоҳлар экансиз, нега ўзингизни четга тортасиз, бирор иш билан Ўзбекистоннинг тараққий этишига ҳисса қўшмайсиз? Бир вақтлар мамлакатимиздаги ягона болалар адабиёти нашриёти — «Чўлпон»га раҳбар бўлгансиз. Ишни эплай олмадингиз. Начора, амал курсисини бўшатиб қўйишга тўғри келди. Балки ўша пайтлардаги аламзадалик энди юзага чиқаётгандир, Гулчеҳра?

«Ҳаётий лавҳалар»ингизда Ўзбекистон милиционерлари автоҳалокатга учраб, қонга беланиб ётган шоирга кўмак бермагани, ҳатто шу ердан ўтиб кетаётган одамлар ҳам унга қайрилиб боқмагани ҳақида гапирдингиз. Уялинг! Шу гапни айтгандан сўнг, ўзбекларнинг кўзига қандоқ қарайсиз, Гулчеҳра?! Шу меҳридарё, бағри кенг миллат шаънига фиску фасод ёғдириш жиноят эмасми?! Нима эмиш, қонга беланиб ётган шу шоирга бирор кимса ёрдамга келган тақдирда ҳам милиционерлар ўша ҳожатбарорнинг ўзини ушлаб қамоққа тиқишар эмиш!

Йўл-транспорт ҳодисаларидан ҳеч ким, ҳатто шоир зоти ҳам кафолатланмаган. Лекин жабрланувчига, хусусан, шоирга ҳеч кимнинг ёрдам бермаслиги, боз устига ёрдам қўлини чўзмоқчи бўлганларга ички ишлар ходимларининг монелик қилиши... Бу бўҳтондан муддао нима, Гулчеҳра? Мустақилликдан кейин ижод аҳлига эътибор қолмади, демоқчимисиз? Аксинча эмасми? Мустабид тузум, қатағон машинаси бешафқат янчиб ташлаган, халқ душмани деб эълон қилинган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир ва шу азиз зотларга ўхшаган ўнлаб шоир ва ёзувчиларнинг табаррук номини тиклаган, уларнинг ижодий меросини халққа қайтарган мустақиллик эмасми?!

Саксонга кирган отахон адибимиз Саид Аҳмаднинг дил изҳорларини ўқигандирсиз? У киши «Мен эндигина ўн йил яшадим», дедилар. Яъни умрларининг фақат Мустақиллик йилларида кечган даврини ҳақиқий умр ҳисобига қўшдилар. Сталин қамоқхоналарида азоб чеккан, фақат мустақилликдан кейин ижоди муносиб баҳоланган, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлган Саид Аҳмаддай адибнинг самимийлигига ишонмаслик мумкинми?!

Дунёдаги энг катта жасорат маънавий жасорат саналаркан. Шўролар замонидаёқ бири «Ўзбегим» деб, бири «Ўзбекистон — Ватаним маним» деб нидо қилган Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов-ларнинг мартабасини ким баланд қилди?!

Қирқ ёшнинг нари-берисида Хуршид Даврон, Муҳаммад Юсуфларнинг Ўзбекистон халқ шоири бўлишганини сиз яхши биласиз. Шўролар замонида бу ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган.

Абдулла Қаҳҳорни тили заҳар адиб, дейишарди. Унинг тилини заҳар қилган, билишимизча, мустабид тузум, мафкуравий тазйиқлар эди. Ҳар бир сўзни бошига чертиб, ҳидлаб кўришади, деганди адиб шўролар цензураси ҳақида. Яратганга минг қатла шукрки, бугун адабиётимиз ҳар хил мафкуравий тазйиқлардан холи. Мана шу эркинликни ўзи адабиётга катта эътибор эмасми?!

Одам ҳар хил хаёлларга борар экан.

(Давоми 2-бетда)

«В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамиятининг бош директори, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис депутати Вадим Петрович Кучеров 60 ёшга тўлди.

Л. ГУСИНОВ олган сурат

УМР ҚАНОТИ — МЕҲНАТ

У 5 йилдан буён Тошкент самолётсозлари жамоасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Дастлабки иш фаолиятини 1966 йилда В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация заводининг парвоз-синов станциясида моторист сифатида бошлаган.

У тиришқоқлиги, аниқ мақсадни кўзлаб иш қилиши, одамлар билан тезда киришиб кетиши билан ажралиб турарди. Шу боиски, ишининг пухта билимдонига айланди, бироздан сўнг ишлаб чиқариш устаси, сўнгра парвоз синовлари цехи бошлиғи лавозимига кўтарилди.

Бу даврда авиазаводда АН-12 транспорт самолёти ишлаб чиқарилди. Завод ушбу самолётни оммавий ишлаб чиқариш билан биргаликда ўша даврдаги энг катта, кенг фюзелажли улкан АН-22 самолётини ишлаб чиқаришга киришади.

1973 йил май ойида Тошкент осмонида биринчи серияли ИЛ-76 реактив юк самолёти парвоз қилди. Жаҳонда тенги йўқ ушбу реактив самолёт бирлашма томонидан 10 та модификацияда ишлаб чиқарилди. Булар ёнилғи қуйиш, ўт ўчириш, ҳаво госпитали ва бошқа модификациядаги самолётлар эди. ИЛ-76 самолёти негизида «Авакс» типидаги АН-50 самолёти тайёрланди. Бу даврда В. П. Кучеров йиғув цехларининг бошлиғи эди.

1985 йилда Вадим Петрович гигант самолётлар АН-124 («Руслан») АН-225 («Мрия») ва АН-70 янги авлод самолётлари учун ноёб қанотлар ишлаб чиқарувчи ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш бошлиғи этиб тайинланади.

1990 йилда Бирлашма бош директорининг ўринбосари, 1993 йилда эса бош муҳандис лавозимини эгаллади. В. П. Кучеровда туғма ташкилотчилик, топширилган ишга ижодий ва масъулият билан ёндошиш, изланувчанлик, одамлар билан ишлай билиш қобилияти мавжуд.

Айни шу даврда чкаловчилар жамоаси маҳаллий ҳаво йўллари учун эскирган АН-24 ва ЯК-40 самолётларининг ўрнини эгаллаши керак бўлган икки моторли ИЛ-114 самолётини серияли ишлаб чиқаришга киришди. 1992 йил 7 августда бирлашмада ишлаб чиқарилган биринчи ИЛ-114 ҳавога кўтарилди.

1996 йилда В. П. Кучеров «Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамиятининг бош директори этиб тайинланди. 1996 йил 14 сентябрда биринчи парвозни амалга оширган ИЛ-114 Т транспорт самолёти айнан шу даврда яратилган эди.

Жаҳон авиация бозоридаги кескин рақобат ҳисобга олинган ҳолда «Пратт Энд Уитни» фирмасининг двигатели базасида ИЛ-114-100 нинг яна бир модификацияси қисқа муддатларда ишлаб чиқилди. Ушбу самолёт 1999 йил январь ойида осмонга кўтарилди.

«ИЛ»ларнинг истиқболли модификациялари Париж, Фаринборо, Москва, Дубан, Берлин-Брандербург, Сингапур, Малайзиядаги анъанавий халқаро авиакосмик техника кўргазмаларининг экспонатлари қаторидан жой олди.

Бирлашма республика қурилишлари, унинг такрорланмас бинолар ва инщоотлари учун қўплаб бир марталик буюртмаларни фаол бажармоқда. Бирлашманинг Фарғона филиалида «ЎзДЭУавто» фирмаси автомобилларининг барча турлари учун диск ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Ҳозирги вақтда «Москвич» ва «Жигули» автомашиналари дискларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бирлашма базасида қисқа муддатларда ҳар хил диаметрли нометалл қувурлар ишлаб чиқариш учун «Хобос-Тапо» корхонаси биноси қурилмоқда.

«Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлиқ жамиятининг ИЛ-114 самолётини ишлаб чиқаришга ва барча модификациядаги ИЛ-76 самолётларини мукаммал таъмирлашга сертификатлар олганлигида ҳам қаҳрамонимизнинг хизмати беқиёс.

Кейинги даврда бирлашмага кўплаб давлатлар раҳбарлари, ҳукумат делегациялари ташриф буюриб, унинг маҳсулоти билан қизиқмоқдалар.

Ўзбекистон ХДП фаоллари Вадим Петровични қутлуғ 60 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, Ватанимизнинг юксалиши йўлидаги эзгу меҳнатида каттадан-катта муваффақиятлар тилайди.

КУТЛОВ

«ЭНГ ТАДБИРКОР АЁЛ»

Шўрчи туманидаги «Азвест-Экспресс» қўшма корхонасининг фаолияти анча йил тўхтаб қолди. Тадбиркор аёл Гулбаҳор Холхўжаева 1998 йилда раҳбар этиб тайинлангач, корхона ўз қаддини тиклай бошлади. Шу йилиёқ 8 миллион сўм кредит олиниб, 12 та замонавий тикув машинаси, пойабзалларга ишлов берадиган 2 та дастгоҳ ва бошқа зарур жиҳозлар харид қилинди. «Шўрчи» тамғаси билан 2 минг жуфт спорт крассовкалари сотувга чиқарилди.

Бугунга келиб «Азвест-Экспресс»да 30 турдан ортиқ сифатли ва бежирим маҳсулот вақт ичида этик, сочиқ, қўлқоп кўрпа жилди тайёрлаш ўзлаштирилди. Халқ таълими вазирлиғига қарашли «Таълим-савдо» бош бошқармаси ўтказган тендерда ғолиб чиққан корхонада ўқувчилар сумкаси тайёрлаш йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг олти ойида корхонада 22 миллион сўмлик сифатли маҳсулот тайёрланди. Йил охиригача 50 миллион сўм даромад қилиш кўзда тутилган.

Ўтган йили «Ўзбекчармпойабзал» уюшмасига аъзо бўлдик, — дейди тадбиркор опа. — Яқин кунларда Италия дастгоҳлари ва тўртта «Зингер» тикув машинасини олиб келамиз. Шунингдек, Германиядан ҳам иккита «Штробель» машинка келтирилади. Келажакда шу ерда чарм тайёрлаш кўзда тутилган. Мақсадимиз ишчи ўринларини кўпайтириб, жаҳон бозорига маҳсулот чиқаришдир.

Хуллас, вилоятнинг «Энг яхши тадбиркор аёл»и раҳбарлик қилаётган корхонада иш авжида. Ютуқлар ҳам шунга яраша бўляпти.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ

Ўн йил ўзбек халқи учун ортга бир назар ташлаб, нималарга улгурдик, нималарга улгурмадик, яна қандай ишларни бажаришимиз керак деган саволларга жавоб излаш учун арзигулик тарихий давр бўлди. Ўтган залворли йиллар ичида мамлакатимиз билан жаҳоннинг қатор ривожланган давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик натижаларини сарҳисоб этишга уринилди. Бу ҳамкорликнинг бир қиррасига, яъни Ўзбекистон—Япония ўртасидаги иқтисодий-техникавий алоқаларга эътибор қаратилди.

ГИЛАМ СОТСАНГ — ҚЎШНИНГГА СОТ...

Асосий масалага ўтишдан аввал япон халқининг ўзига хос, бошқа халқларда кам учрайдиган бир хусусиятига қисқача тўхталмоқчиман. Япония ижтимоий ҳаёти жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган. Масалан, бундай ёндашув инсоний муносабатлар асосан шартномаларга таянадиган инглиз-саксон жамиятидан тубдан фарқ қилади.

Биргина мисол. 1995 йилнинг январида Японияда кучли зилзила рўй берди. Ер силкиниши туфайли асосан Кобэ шаҳри ҳудуди вайрон бўлиб, кучли ёнғин натижасида шаҳар кулга айланди. Миллионлаб одамлар бошпанасиз қолди. Табиий офатдан сўнг Кобэга қўшни Осака шаҳрида фаолият кўрсатувчи бир кредит-молия банки зудлик билан жабрланган ҳар бир кишига 50 минг иена миқдорида (500 АҚШ доллари) кредит бериш тўғрисидаги хабарни эълон қилади. Энг муҳими, банк бу кредитларни муддатсиз, фоизсиз, гаровсиз ва кафолатсиз беришни кўзда тутган эди. Кредит олувчиларнинг ҳар биридан кредит қоғозида фақат фамилияси ва шахси тўғрисидаги маълуматларни кўрсатиш талаб этилган, холос. Орадан бир йил ўтар-ўтмас нима бўлди денг? Гарчи банк қарзни қайтаришни талаб қилмаган бўлсада, берилган жами кредитнинг 80 фоизи аллақачон унинг ҳисоб рақамига тушиб улгурган эди. Бу шундан далолат берадики, қийин кунларда ёрдам қўлини чўзганларни ранжитмаслик керак, қарз тўлови билан хайрли деган ақида япон халқининг қон-қонига сингиб кетган. Бу ақидага амал қилиш уларда оддий кундалик турмуш тарзига айланиб қолган.

Японлар ўзаро мулоқотларда ўз бий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, аёллар ва болалар орасида касалланиш даражасининг ошаётгани жиддий муаммо ҳисобланади. Шу туфайли ҳукуматимиз Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига биринчи шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни, шунингдек, доимий тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, касалхоналар, туғруқхоналарни зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун барча чораларни ишга солаяпти. Бу саъй-ҳаракатларнинг муваффақиятли амалга оширилиши молиявий маблағга бориб тақалади. Шу туфайли давлатимиз Япония томонидан ажратилган 400 миллион йенлик замонавий тиббий технологияни Қорақалпоғистон Республикасининг қуйидаги тиббий муассасаларига беришни лозим топди: республика туғруқхонаси, болалар клиник касалхонаси ҳамда Нукус шаҳар болалар касалхонаси.

Нукусдаги «Она ва бола» клиникаси жаҳон андозасидаги тиббий асбоб-ускуналар, юқори малакали мутахассислар билан таъминланган. Бу ерда беморлар учун яратилган шароитни кўриб кўнглимиз ёришди. Масалан, грант асосида келтирилган биргина рентген асбобини олсак, у Голландиянинг «PHILIPS» компаниясида ишлаб чиқарилган бўлиб, дунё бўйича атиги бешта шундай тиббий технология мавжуд. Шундан учтаси қорақалпоғистонликларга хизмат қилмоқда. Клиниканинг она ва бола скрининг марказида эса «HITACHI» фирмасининг ультратовуш аппарати, айни шу фирманинг ўта қулай кўчма ультратовуш асбоби, бир томчи қондан 48 хил таҳлил кўрсаткичларини қисқа фурсатда аниқлаб берадиган биокимёвий анализаторлар тиббий хизмат самарадорлигини таъминлаш имкониятини бераяпти. Клиниканинг ҳамма бўлимларига турли касалликларни аниқлаш учун ишлатиладиган махсус ноёб реактивлар сақланадиган япон музлаткичлари ўрнатилган. Туғруқ бўлимида ҳам грант асосида келтирилган илғор тиббий технологиялар кенг қўлланилмоқда. Бўлимдаги 10 та жарроҳлик хонасидан учтасида Германиянинг «Drager» фирмасида ишлаб чиқарилган жарроҳлик асбоби бор. Мазкур бўлимда 19 та туғруқ хонаси мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида суткасига фақат битта аёлнинг кўзи ёрийди. Сўнгра бу хона тозаланиб дезинфекцияланади. Бу тажриба биз учун янгилик бўлди. Ўйлаймизки, уни республикамизни бошқа шифо масканларига ҳам татбиқ этиш оналар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилишда яхши самара беради. Клиникадаги замонавий термостатлар, стерелизация ва кир ювиш машиналари ҳам тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда кўл келмоқда.

Грант асосида ажратилган тиббий технологиялар, уларнинг ишлатилиш жараёнлари ва ҳолати билан бевосита танишганимиздан сўнг республика тиббиёт мутасаддилари билан суҳбат бўлиб ўтди.

Суҳбатдан маълум бўлдики, Япония гранти бўйича тиббий технологиялар келтирилгач, минтақада касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш даражаси кескин ошгайтиришга сарфланиши шарт.

Сафаримиз ниҳоясида Хироши Ниино Нукус «Она ва бола» клиникасига берилган тиббий технологиялар ҳамда Урганчдаги қишлоқ хўжалиги техникасига хизмат кўрсатиш марказидаги комбайнларнинг ҳолати, фойдаланиш самарадорлиги ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш сифатидан қониқиш ҳосил қилганини билдирди.

... Ҳар қандай ҳаракат замирида муайян мақсадлар ва манфаатлар ётади. Биз Япония ҳукумати томонидан катта маблағлар эвазига амалга оширилаётган «Тараққиётга Расмий Ёрдам» лойиҳасидан қандай мақсадлар кўзда тутилиши билан қизиқдик. Хироши Ниино бу саволга шундай жавоб қайтарди: «Дунё аҳолисининг қарийб 80 фоизга яқини ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Бу мамлакатларнинг аксарияти иқтисодий жиҳатдан заиф бўлиб, ижтимоий инфратузилмаси яхши ривожланмаган, соғлиқни сақлаш, маориф тизимида кўплаб муаммолар мавжуд. Ер юзидаги ҳар бешинчи одам кунига бир долларга ҳам етмайдиган даромадга эга бўлиб, қашшоқликда яшамоқда. Шу туфайли жаҳон ҳамжамияти бундай одамларга ёрдам бериш, кўламига кўра миллий чегараларни ошиб ўтувчи мавжуд глобал муаммоларни ҳал қилиш учун бирлашиб, халқаро ҳамкорликни амалга ошириши лозим. Мамлакатлар ўртасида ўзаро бир-бирига боғлиқлик жараёни кучайиб бораётган ҳозирги шароитда ривожланаётган давлатлардаги иқтисодий тараққиёт бутун қурраи заминда тинчлик, барқарорлик ҳамда фаровонликни сақлаб қолишнинг зарур шартидир. Бугунги кунда йилига 1 млрд. иена ажратиб (ҳар бир япон солиқ тўловчиси ҳамкорлик учун йилига 80 доллар ажратади, дейиш ҳам мумкин) дунёнинг 55 давлатига ёрдам қўлини чўзган Японияннг ўзи ҳам бир вақтлар ўзга мамлакатлардан моддий ва молиявий ёрдам олган. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланиш даврида Японияга Шимолий ва Жанубий Америкадан Осиёга ёрдам Агентлиги (LARA) орқали озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва дори-дармонлар келтирилган. Шунингдек, инфратузилмани ривожлантириш учун Жаҳон банкидан олинган кредит ҳам Японияннг бугунги фаровонлигини таъминлашда катта пойдевор бўлган. Бу кредит ҳисобидан, хусусан, жаҳондаги энг тезюрар «Синкансэн» суперэкспресси учун темирйўл, Томэй ва Мэйсин тезкор автомобиль йўллари қуриб битказилган. Япония Жаҳон банкидан олган кредитлари бўйича қарзларини яқиндагина — 1990 йилга келиб тўлиқ қайтарди. Ўзбекистонга келсак, унинг энг ривожланган мамлакатлар қаторидан суҳбатдошларига бошданоқ, ҳеч бир шартсиз ишонадилар. Суҳбатдош ҳам худди шу ишончга муносиб равишда ҳаракат қилади. Шу тариқа ўзаро ишонч юзага келиб, инсон қадр-қиммати юксалади, адолат қарор топади. Ўзаро ишонч — япон миллати хатти-ҳаракатини белгиловчи асосий тамойилдир. Бир йил аввал «Минтақавий ривожланиш» ўқув дастури бўйича Японияда бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Бу мамлакатда ўзаро ишончдан ташқари яна «Атрофингдаги одамлар бахтиёр бўлса, сен ҳам саодат топасан», деган қараш устун туради. Бундай хусусиятлар Япония давлатининг халқаро майдондаги ҳамкорлигида ҳам кўзга ташланади.

Япония ҳукумати жаҳондаги кўплаб ривожланаётган давлатлар билан «Тараққиётга Расмий Ёрдам» дастури доирасида ҳамкорлик қилади. Бу ҳамкорлик турли шакллларда амалга оширилади. Масалан, ривожланаётган мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларини янада яхшилаш учун зарур бўлган молиявий маблағ (грантлар, кредитлар) ажратиш, ўз кучига таянган ҳолда барқарор тараққиёт йўлига чиқиб олиш учун инсон ресурсларини ривожлантиришга ёрдам бериш, экологик ҳалокатнинг олдини олишга доир лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш шулар жумласига киради.

Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган JICA (Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги) эса Япония ҳукуматининг «Тараққиётга Расмий Ёрдам» ҳамкорлик дастурининг бажарилишини таъминлайдиган ташкилотчи-ижро муассасасидир. Республикамизда 1999 йилнинг март ойидан буён фаолият кўрсатаётган JICA ваколатхонаси қисқа муддат ичида икки томонлама ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда JICA ваколатхонасининг ташаббуси билан Нукус ва Урганч шаҳарларига журналистларнинг матбуот сафари уюштирилди. Бу сафаримизни JICA фаолияти билан яқиндан ва тўлароқ таништириш, шу билан икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборат эди. Сафар дастурига мувофиқ биз аввал Нукусдаги Япония ҳукумати томонидан ажратилган энг замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланган «Она ва бола» клиникасига бордик.

Маълумки, Орол бўйида юз берган экологик ҳалокат нафақат минтақадаги иқтисодий вазиятга, балки одамларнинг ижтимоий аҳволига, саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, аёллар ва болалар орасида касалланиш даражасининг ошаётгани жиддий муаммо ҳисобланади. Шу туфайли ҳукуматимиз Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига биринчи шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни, шунингдек, доимий тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, касалхоналар, туғруқхоналарни зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун барча чораларни ишга солаяпти. Бу саъй-ҳаракатларнинг муваффақиятли амалга оширилиши молиявий маблағга бориб тақалади. Шу туфайли давлатимиз Япония томонидан ажратилган 400 миллион йенлик замонавий тиббий технологияни Қорақалпоғистон Республикасининг қуйидаги тиббий муассасаларига беришни лозим топди: республика туғруқхонаси, болалар клиник касалхонаси ҳамда Нукус шаҳар болалар касалхонаси.

Нукусдаги «Она ва бола» клиникаси жаҳон андозасидаги тиббий асбоб-ускуналар, юқори малакали мутахассислар билан таъминланган. Бу ерда беморлар учун яратилган шароитни кўриб кўнглимиз ёришди. Масалан, грант асосида келтирилган биргина рентген асбобини олсак, у Голландиянинг «PHILIPS» компаниясида ишлаб чиқарилган бўлиб, дунё бўйича атиги бешта шундай тиббий технология мавжуд. Шундан учтаси қорақалпоғистонликларга хизмат қилмоқда. Клиниканинг она ва бола скрининг марказида эса «HITACHI» фирмасининг ультратовуш аппарати, айни шу фирманинг ўта қулай кўчма ультратовуш асбоби, бир томчи қондан 48 хил таҳлил кўрсаткичларини қисқа фурсатда аниқлаб берадиган биокимёвий анализаторлар тиббий хизмат самарадорлигини таъминлаш имкониятини бераяпти. Клиниканинг ҳамма бўлимларига турли касалликларни аниқлаш учун ишлатиладиган махсус ноёб реактивлар сақланадиган япон музлаткичлари ўрнатилган. Туғруқ бўлимида ҳам грант асосида келтирилган илғор тиббий технологиялар кенг қўлланилмоқда. Бўлимдаги 10 та жарроҳлик хонасидан учтасида Германиянинг «Drager» фирмасида ишлаб чиқарилган жарроҳлик асбоби бор. Мазкур бўлимда 19 та туғруқ хонаси мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида суткасига фақат битта аёлнинг кўзи ёрийди. Сўнгра бу хона тозаланиб дезинфекцияланади. Бу тажриба биз учун янгилик бўлди. Ўйлаймизки, уни республикамизни бошқа шифо масканларига ҳам татбиқ этиш оналар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилишда яхши самара беради. Клиникадаги замонавий термостатлар, стерелизация ва кир ювиш машиналари ҳам тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда кўл келмоқда.

Грант асосида ажратилган тиббий технологиялар, уларнинг ишлатилиш жараёнлари ва ҳолати билан бевосита танишганимиздан сўнг республика тиббиёт мутасаддилари билан суҳбат бўлиб ўтди.

Суҳбатдан маълум бўлдики, Япония гранти бўйича тиббий технологиялар келтирилгач, минтақада касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш даражаси кескин ошгайтиришга сарфланиши шарт.

Сафаримиз ниҳоясида Хироши Ниино Нукус «Она ва бола» клиникасига берилган тиббий технологиялар ҳамда Урганчдаги қишлоқ хўжалиги техникасига хизмат кўрсатиш марказидаги комбайнларнинг ҳолати, фойдаланиш самарадорлиги ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш сифатидан қониқиш ҳосил қилганини билдирди.

... Ҳар қандай ҳаракат замирида муайян мақсадлар ва манфаатлар ётади. Биз Япония ҳукумати томонидан катта маблағлар эвазига амалга оширилаётган «Тараққиётга Расмий Ёрдам» лойиҳасидан қандай мақсадлар кўзда тутилиши билан қизиқдик. Хироши Ниино бу саволга шундай жавоб қайтарди: «Дунё аҳолисининг қарийб 80 фоизга яқини ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Бу мамлакатларнинг аксарияти иқтисодий жиҳатдан заиф бўлиб, ижтимоий инфратузилмаси яхши ривожланмаган, соғлиқни сақлаш, маориф тизимида кўплаб муаммолар мавжуд. Ер юзидаги ҳар бешинчи одам кунига бир долларга ҳам етмайдиган даромадга эга бўлиб, қашшоқликда яшамоқда. Шу туфайли жаҳон ҳамжамияти бундай одамларга ёрдам бериш, кўламига кўра миллий чегараларни ошиб ўтувчи мавжуд глобал муаммоларни ҳал қилиш учун бирлашиб, халқаро ҳамкорликни амалга ошириши лозим. Мамлакатлар ўртасида ўзаро бир-бирига боғлиқлик жараёни кучайиб бораётган ҳозирги шароитда ривожланаётган давлатлардаги иқтисодий тараққиёт бутун қурраи заминда тинчлик, барқарорлик ҳамда фаровонликни сақлаб қолишнинг зарур шартидир. Бугунги кунда йилига 1 млрд. иена ажратиб (ҳар бир япон солиқ тўловчиси ҳамкорлик учун йилига 80 доллар ажратади, дейиш ҳам мумкин) дунёнинг 55 давлатига ёрдам қўлини чўзган Японияннг ўзи ҳам бир вақтлар ўзга мамлакатлардан моддий ва молиявий ёрдам олган. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланиш даврида Японияга Шимолий ва Жанубий Америкадан Осиёга ёрдам Агентлиги (LARA) орқали озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва дори-дармонлар келтирилган. Шунингдек, инфратузилмани ривожлантириш учун Жаҳон банкидан олинган кредит ҳам Японияннг бугунги фаровонлигини таъминлашда катта пойдевор бўлган. Бу кредит ҳисобидан, хусусан, жаҳондаги энг тезюрар «Синкансэн» суперэкспресси учун темирйўл, Томэй ва Мэйсин тезкор автомобиль йўллари қуриб битказилган. Япония Жаҳон банкидан олган кредитлари бўйича қарзларини яқиндагина — 1990 йилга келиб тўлиқ қайтарди. Ўзбекистонга келсак, унинг энг ривожланган мамлакатлар қаторидан суҳбатдошларига бошданоқ, ҳеч бир шартсиз ишонадилар. Суҳбатдош ҳам худди шу ишончга муносиб равишда ҳаракат қилади. Шу тариқа ўзаро ишонч юзага келиб, инсон қадр-қиммати юксалади, адолат қарор топади. Ўзаро ишонч — япон миллати хатти-ҳаракатини белгиловчи асосий тамойилдир. Бир йил аввал «Минтақавий ривожланиш» ўқув дастури бўйича Японияда бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Бу мамлакатда ўзаро ишончдан ташқари яна «Атрофингдаги одамлар бахтиёр бўлса, сен ҳам саодат топасан», деган қараш устун туради. Бундай хусусиятлар Япония давлатининг халқаро майдондаги ҳамкорлигида ҳам кўзга ташланади.

Япония ҳукумати жаҳондаги кўплаб ривожланаётган давлатлар билан «Тараққиётга Расмий Ёрдам» дастури доирасида ҳамкорлик қилади. Бу ҳамкорлик турли шакллларда амалга оширилади. Масалан, ривожланаётган мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларини янада яхшилаш учун зарур бўлган молиявий маблағ (грантлар, кредитлар) ажратиш, ўз кучига таянган ҳолда барқарор тараққиёт йўлига чиқиб олиш учун инсон ресурсларини ривожлантиришга ёрдам бериш, экологик ҳалокатнинг олдини олишга доир лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш шулар жумласига киради.

Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган JICA (Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги) эса Япония ҳукуматининг «Тараққиётга Расмий Ёрдам» ҳамкорлик дастурининг бажарилишини таъминлайдиган ташкилотчи-ижро муассасасидир. Республикамизда 1999 йилнинг март ойидан буён фаолият кўрсатаётган JICA ваколатхонаси қисқа муддат ичида икки томонлама ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда JICA ваколатхонасининг ташаббуси билан Нукус ва Урганч шаҳарларига журналистларнинг матбуот сафари уюштирилди. Бу сафаримизни JICA фаолияти билан яқиндан ва тўлароқ таништириш, шу билан икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборат эди. Сафар дастурига мувофиқ биз аввал Нукусдаги Япония ҳукумати томонидан ажратилган энг замонавий тиббий технологиялар билан жиҳозланган «Она ва бола» клиникасига бордик.

Маълумки, Орол бўйида юз берган экологик ҳалокат нафақат минтақадаги иқтисодий вазиятга, балки одамларнинг ижтимоий аҳволига, саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, аёллар ва болалар орасида касалланиш даражасининг ошаётгани жиддий муаммо ҳисобланади. Шу туфайли ҳукуматимиз Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига биринчи шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишни, шунингдек, доимий тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, касалхоналар, туғруқхоналарни зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун барча чораларни ишга солаяпти. Бу саъй-ҳаракатларнинг муваффақиятли амалга оширилиши молиявий маблағга бориб тақалади. Шу туфайли давлатимиз Япония томонидан ажратилган 400 миллион йенлик замонавий тиббий технологияни Қорақалпоғистон Республикасининг қуйидаги тиббий муассасаларига беришни лозим топди: республика туғруқхонаси, болалар клиник касалхонаси ҳамда Нукус шаҳар болалар касалхонаси.

Нукусдаги «Она ва бола» клиникаси жаҳон андозасидаги тиббий асбоб-ускуналар, юқори малакали мутахассислар билан таъминланган. Бу ерда беморлар учун яратилган шароитни кўриб кўнглимиз ёришди. Масалан, грант асосида келтирилган биргина рентген асбобини олсак, у Голландиянинг «PHILIPS» компаниясида ишлаб чиқарилган бўлиб, дунё бўйича атиги бешта шундай тиббий технология мавжуд. Шундан учтаси қорақалпоғистонликларга хизмат қилмоқда. Клиниканинг она ва бола скрининг марказида эса «HITACHI» фирмасининг ультратовуш аппарати, айни шу фирманинг ўта қулай кўчма ультратовуш асбоби, бир томчи қондан 48 хил таҳлил кўрсаткичларини қисқа фурсатда аниқлаб берадиган биокимёвий анализаторлар тиббий хизмат самарадорлигини таъминлаш имкониятини бераяпти. Клиниканинг ҳамма бўлимларига турли касалликларни аниқлаш учун ишлатиладиган махсус ноёб реактивлар сақланадиган япон музлаткичлари ўрнатилган. Туғруқ бўлимида ҳам грант асосида келтирилган илғор тиббий технологиялар кенг қўлланилмоқда. Бўлимдаги 10 та жарроҳлик хонасидан учтасида Германиянинг «Drager» фирмасида ишлаб чиқарилган жарроҳлик асбоби бор. Мазкур бўлимда 19 та туғруқ хонаси мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида суткасига фақат битта аёлнинг кўзи ёрийди. Сўнгра бу хона тозаланиб дезинфекцияланади. Бу тажриба биз учун янгилик бўлди. Ўйлаймизки, уни республикамизни бошқа шифо масканларига ҳам татбиқ этиш оналар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилишда яхши самара беради. Клиникадаги замонавий термостатлар, стерелизация ва кир ювиш машиналари ҳам тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда кўл келмоқда.

Грант асосида ажратилган тиббий технологиялар, уларнинг ишлатилиш жараёнлари ва ҳолати билан бевосита танишганимиздан сўнг республика тиббиёт мутасаддилари билан суҳбат бўлиб ўтди.

Суҳбатдан маълум бўлдики, Япония гранти бўйича тиббий технологиялар келтирилгач, минтақада касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш даражаси кескин ошгайтиришга сарфланиши шарт.

Сафаримиз ниҳоясида Хироши Ниино Нукус «Она ва бола» клиникасига берилган тиббий технологиялар ҳамда Урганчдаги қишлоқ хўжалиги техникасига хизмат кўрсатиш марказидаги комбайнларнинг ҳолати, фойдаланиш самарадорлиги ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш сифатидан қониқиш ҳосил қилганини билдирди.

... Ҳар қандай ҳаракат замирида муайян мақсадлар ва манфаатлар ётади. Биз Япония ҳукумати томонидан катта маблағлар эвазига амалга оширилаётган «Тараққиётга Расмий Ёрдам» лойиҳасидан қандай мақсадлар кўзда тутилиши билан қизиқдик. Хироши Ниино бу саволга шундай жавоб қайтарди: «Дунё аҳолисининг қарийб 80 фоизга яқини ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Бу мамлакатларнинг аксарияти иқтисодий жиҳатдан заиф бўлиб, ижтимоий инфратузилмаси яхши ривожланмаган, соғлиқни сақлаш, маориф тизимида кўплаб муаммолар мавжуд. Ер юзидаги ҳар бешинчи одам кунига бир долларга ҳам етмайдиган даромадга эга бўлиб, қашшоқликда яшамоқда. Шу туфайли жаҳон ҳамжамияти бундай одамларга ёрдам бериш, кўламига кўра миллий чегараларни ошиб ўтувчи мавжуд глобал муаммоларни ҳал қилиш учун бирлашиб, халқаро ҳамкорликни амалга ошириши лозим. Мамлакатлар ўртасида ўзаро бир-бирига боғлиқлик жараёни кучайиб бораётган ҳозирги шароитда ривожланаётган давлатлардаги иқтисодий тараққиёт бутун қурраи заминда тинчлик, барқарорлик ҳамда фаровонликни сақлаб қолишнинг зарур шартидир. Бугунги кунда йилига 1 млрд. иена ажратиб (ҳар бир япон солиқ тўловчиси ҳамкорлик учун йилига 80 доллар ажратади, дейиш ҳам мумкин) дунёнинг 55 давлатига ёрдам қўлини чўзган Японияннг ўзи ҳам бир вақтлар ўзга мамлакатлардан моддий ва молиявий ёрдам олган. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейинги тикланиш даврида Японияга Шимолий ва Жанубий Америкадан Осиёга ёрдам Агентлиги (LARA) орқали озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва дори-дармонлар келтирилган. Шунингдек, инфратузилмани ривожлантириш учун Жаҳон банкидан олинган кредит ҳам Японияннг бугунги фаровонлигини таъминлашда катта пойдевор бўлган. Бу кредит ҳисобидан, хусусан, жаҳондаги энг тезюрар «Синкансэн» суперэкспресси учун темирйўл, Томэй ва Мэйсин тезкор автомобиль йўллари қуриб битказилган. Япония Жаҳон банкидан олган кредитлари бўйича қарзларини яқиндагина — 1990 йилга келиб тўлиқ қайтарди. Ўзбекистонга келсак, унинг энг ривожланган мамлакатлар қаторидан суҳбатдошларига бошданоқ, ҳеч бир шартсиз ишонадилар. Суҳбатдош ҳам худди шу ишончга муносиб равишда ҳаракат қилади. Шу тариқа ўзаро ишонч юзага келиб, инсон қадр-қиммати юксалади, адолат қарор топади. Ўзаро ишонч — япон миллати хатти-ҳаракатини белгиловчи асосий тамойилдир. Бир йил аввал «Минтақавий ривожланиш» ўқув дастури бўйича Японияда бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. Бу мамлакатда ўзаро ишончдан ташқари яна «Атрофингдаги одамлар бахтиёр бўлса, сен ҳам саодат топасан», деган қараш устун туради. Бундай хусусиятлар Япония давлатининг халқаро майдондаги ҳамкорлигида ҳам кўзга ташланади.

Япония ҳукумати жаҳондаги кўплаб ривожланаётган давлатлар билан «Тараққиётга Расмий Ёрдам» дастури доирасида ҳамкорлик қилади. Бу ҳамкорлик турли шакллларда амалга оширилади. Масалан, ривожланаётган мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларини янада яхшилаш учун зарур бўлган молиявий маблағ (грантлар, кредитлар) ажратиш, ўз кучига таянган ҳолда барқарор тараққиёт йўлига чиқиб олиш учун инсон ресурсларини ривожлантиришга ёрдам бериш, экологик ҳалокатнинг олдини олишга доир лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш шулар жумласига киради.

Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган JICA (Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги) эса Япония ҳукуматининг «Тараққиётга Расмий Ёрдам» ҳамкорлик дастурининг бажарилишини таъминлайдиган ташкилотчи-ижро муассасасидир. Республикамизда 1999 йилнинг март ойидан буён фаолият кўрсатаётган JICA ваколатхонаси қисқа муддат ичида икки томонлама ҳамкорлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда JICA ваколатхонасининг ташаббуси билан Нукус ва Урганч шаҳарларига журналистларнинг матбуот сафари уюштир

ЕВРО НАКД ПУЛ СИФАТИДА

